



**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ (ТАРМОҚ)
МАРКАЗИ
БИТИРУВ ЛОЙИҲА ИШИ**

**МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ
БАҒРИКЕНГЛИК МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АСОСИЙ
ТУШУНЧАЛАРИ**

Бажарди: Н.Холмирзаев

Илмий рахбар: А Қамбаров.

ФАРҒОНА-2015

**Жамиятни маънавий
янгилашдан кўзланган бош
мақсад - юрт тинчлиги,
Ватан равнақи, халқ
эркинлиги ва
фаровонлигига эришиш,
комил инсонни тарбиялаш,
ижтимоий ҳамкорлик ва
миллатлараро тотувлик,
диний бағрикенглик каби
кўп-кўп муҳим
масалалардан иборат.**

Ислон Каримов.



ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ:

Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу элементлар ҳисобга олинган тақдирда ўз–ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади. Айтиш жоизки, таълим тарихида йиғилган бой дидактик тажрибанинг ижобий жиҳатлари ўз аксини модулли таълимда топди. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки тадқиқ этаётган мавзунини ўрганишда ҳам модулли ёндошувдан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ:

Биз тадқиқ этаётган мавзунинг олдига асосий мақсад ва вазифа сифатида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини мустаҳкамлаш ва инсонлар онгига тўғри тушунча бериш қўйилган. Шу билан бирга қуйидаги мақсад ва вазифалар асос сифатида олинган.

- миллат, миллатлараро муносабатлар мазмун – моҳияти, уларнинг жамият ҳаёти ва тараққиёти жараёнида қандай ўрин тутаётганлиги тўғрисида билим ва тасаввурлар ҳосил қилиш.

- ҳар бир инсон маънавий тикланиш кўпмиллатли полиэтник давлатларда барча фуқаролар манфаатига мос келадиган ички ва ташқи сиёсат зарурлигини англаши ва ҳис қилишига кўмаклашиш
- мустақиллик йилларида Ўзбекистонда барча халқларнинг миллий қадриятлари тикланаётганлигини, миллий-маънавий тикланиш сиёсати барча миллатлар манфаати учун хизмат қилаётганини барча фуқаролар онгига сингдириб бориш ва бошқалар

ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪЕКТИ:

Мавзунинг предмети ва тадқиқот объекти – жамиятнинг бугунги ҳаёти, ва келажақда, мустақиллигимизни мустахкамлашда, юртимизда озод ва обод Ватанни яратишда, ҳаётимизда эркинликка, фаровонликка, тинчлик ва барқарорликка, иқтисодий ҳамда сиёсий мустақилликка эришишда, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғоялари муҳим омил эканлигини ва уларнинг ролини очиқ бериш жараёнидир.

ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ:

Ушбу тадқиқот ишида жамият тараққиётининг муҳим жиҳатлари бўлмиш миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини роли, мустақиллик халқимизнинг тарихий ғалабаси эканлиги, уларнинг аҳамияти ва ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш масалалари ёритилди.

Шунингдек миллий-маънавий тикланишнинг миллий муносабатлар ва диний бағрикенглик ғояларига таъсири, тоталитар тузум олиб борган сиёсатнинг миллий муносабатларда келтириб чиқарган салбий оқибатлари, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида қилинаётган ишлар, миллий ўзликни англаш ва бошқа масалалар очиб берилган.

Мазкур тадқиқот ишидан олий таълим муассасаларида миллий ғоя фанида, тадқиқотларда, ва соҳага даҳлдор ташкилотларда, маърузаларда фойдаланиш мумкин.

Миллатлараро тотувлик гоёси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда яшайдиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Мазкур гоё — жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.



Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий ғоянинг асосий тушунчалари мавзусини ўқитиш тараққиётининг устувор йўналишлари

- **Барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ;**
- **миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка таяниш;**
- **турли миллий маданиятлар ривожини учун йўл очиб бериш;**
- **бошқа миллат ва элат вакилларига ҳурмат билан қараш;**
- **миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлигини таъминлаш.**

Динлараро бағрикенглик ғояларини тўғри англаш масалалари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиб, уларнинг ривожини учун барча шароитлар яратилган.

ЎЗБЕКISTON – UMUMIY UYMIZ



Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпаниясининг теле-радио каналлари орқали 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, уйғур ва озарбойжон тилларида) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиздаги газеталар 10 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, корей, украин ва инглиз тилларида), журналлар эса 8 та тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва инглиз тилларида) босилмоқда. Шу билан бирга, юртимизда ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилмоқда.



Юртимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама




Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб келади. Улар ўртасида асрлар оша миллий низолар, келишмовчилик бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини намоён этади.





«Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин... одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради».

И.А.Каримов



Диний бағрикенглик бу
– одамларнинг бир
давлатда турли дунёқараш,
турли диний эътиқод ва
ўзларининг виждон
эркинлиги асосида
хамжихат бўлиб яшашидир.

Бугун Ўзбекистон диний баърикенглик ва динлараро муроса борасида нафақат МДХ давлатларида, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда Москва ва бутунрус патриархи Алексей II, АҚШ сенатори Хиллари Клинтон хоним ва собиқ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтлар юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтдилар.

Хозирда Ўзбекистонда 17 та диний конфессия мавжуд (1998 йилга қадар 15 та, 2004 йил – 16 та, 2010 йилдан 17 та).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони хам ўсди. 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот, 2 та диний ўқув юрти мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда 2186 та диний ташкилотиялар ўз иш фаолиятларини эмин-эркин ҳолда олиб бормоқдалар (2005 йил маълумотлари).

Диний ташкилотлар фаолиятини қонунийлаштириш мақсадида 1991 йилда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилган. 1993-йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998-йилга қадар амалда бўлиб келди. Давр талаблари асосида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннитубдан ўзгартириш зарурати туғилди ва 1998-йил 1-майда янги тахрирда қабул қилинди.

Масалан, 1995 йилда Вазирлар Маҳкамаси Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Муқаддас Успенский кафедрал йиғилиши ҳузурида диний-маъмурий марказ очилиши ҳамда 1996 йилда Епархиянинг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади. Зеро, диний тотувлик ҳам жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидан биридир.



И. А. Каримовнинг Москва ва Бутун Рус патриархи ҳамда Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир билан учрашуви.

Президент И.А.Каримов бу тантана қатнашчиларига йўллаган табригида, жумладан, бундай деб қайд этган эди: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргалликда ҳамнафас бўлиб яшаши – диний-маънавий тотувликнинг тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенг-ликнинг энг яхши намунасидир...”

Бугун бутун жаҳон афкор оммаси XX аср – тинчлик асри бўлмоғи учун курашмоқда. Бу йўлда диний бағрикенглик, динлараро мулоқот катта аҳамият касб этади. Анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси сифатида маълум ва машҳур бўлган Ўзбекистон бу жабҳада ҳам ўз вазифасини шараф билан адо этмоқда.

ХУЛОСА

Кўпмиллатли мамлакатларда миллий сиёсатни адолатпазварлик ва тенг ҳуқуқийлик асосида ташкил этиш тарихий заруратдир.

Минтақамиз халқлари шундай бир жаннатмакон муҳитда қарор топганки, уларнинг осмони бир, дини бир, “Ватан” деб киндик қони тўкилган масканлар бир-бирига тутушиб кетган. Ана шу турли хил миллатлар, элатлар яшайдиган Туркистон умумий уйимиз тинчлиги, барқарорлиги ва келажаги бўйича қайғуриш ҳар биримизнинг гуллаб яшнашимизга замин ҳозирлайди.

Миллатлараро тотувлик ҳамжиҳатлик, ҳамда диний бағрикенглик ўзаро ҳурмат-умумбашарий қадрият бўлиб, турли миллат вакиллари истиқомат қилиб келаётган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилаб беришда катта аҳамиятга эга

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлар жаҳон халқлари, давлат ва мамлакатларнинг ҳам диққат-марказда эканлиги бизда юксак қувонч ва ифтиҳор туйғуларини уйғотади.

**Эътиборингиз учун
ташаккур !**

